

# ШАРТНОМА №33

(Товар-моддий бойликлар, хом-ашё ва материаллар сотиб олиш)

«18» 04 2022 йил  
Фарғона т. и. к. р. б

*Фар. и.*

номидан раҳбар О. Мирзоджон бундан бўён бир томондан «Буюртмачи» деб юритилади Низом асосида харакат килувчи, иккинчи томондан ООО «Bunyodkor Yoshlar 2020» МЧЖ раҳбари А.Х.Юсупов низоми асосида иш юритувчи бундан бўён «Бажарувчи» деб юритилади ва қўйдагилар хақида ушбу шартнома тузилди.

## I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. «Бажарувчи» ўзига тегишли мол-мулкни сотиш, «Буюртмачи» эса тўловни белгиланган тартибда амалга оширгандан сўнг қабул қилиш мажбуриятини оладилар.

## II. ШАРТНОМА НАРХИ

т/р №	Товарнинг номи	Улчов бирлиги	Микдори	Нархи	Суммаси
1	СТУЛ Сильвия chrome УКРАИНА {+ доставка +гарантия +качество} стул Silviya chrome в обивке кожзам V бежевый, бордовый, синий, коричневый, серый, рыжий, зеленый) Качественный, комфортный, красивый и бюджетный стул для офиса и для дома	Шт	14	458250,0	6 415 500,0
2	ШКАФ ДЛЯ ДОУМЕНТОВ из ЛДСП размер 1800*800*400 мм сифатли махсулот . - Металлические ручки. - 2 распашные дверцы. - В любой цвете которое вам нравится. кромка ПВХ 2 ММ	Шт	65	858 000,0	55 770 000,0
3	ТУРОН Каркас стула профиль 2х2см толщиной 1-2мм, краска парашковой матави, столешница стула лдс и паралон 3см	Шт	145	214 500,0	31 102 500,0
4	СТОЛ с тумбовий и Подставка под системный блока (колесный) Размер: 1400x600x750 Материал: Из МДФ ПВХ 19/2ММ,	Шт	60	799 500,0	47 970 000,0
Жами					141 258 000,0

Товарларнинг шартномавий умумий баҳоси 141 258 000,0 (Бир юз кирк бир миллион икки юз эллик саккиз минг ) сум ККС Ончук.

## III.ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. «Буюртмачи» товар учун олдиндан, етказиб берилаётган товарнинг 30 % миқдорида пул ўтказиш йули билан тўловни амалга оширади. Колган 70 % ини 30 (ўттиз) кун ичида амалди.

3.2. Товарлар «Бажарувчи»нинг транспортида етказиб берилганда транспорт харажати ўзаро келишилган холда қўшимча белгиланади

## IV. ТОВАР ЕТКАЗИБ БЕРИШ МУДДАТИ

4.1. «Бажарувчи» мазкур шартнома қонуний кучга киргандан сўнг товарни 10 кун муддат ичида «Буюртмачи»га етказиб бериши шарт. (товар етказиб бериш муддати)

## V. ТОВАР СИФАТИ

5.1. Етказиб берилаётган товарнинг сифати белгиланган стандартларга (мувофикалик сертификати), ишлаб чиқариш меъёрий хужжатлар ва «Буюртмачи»нинг талабига мос келиши шарт.

## VI. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1. «Бажарувчи» мажбуриятлари: - Шартномада кўрсатилган талабларга риоя қилган холда ўз вақтида «Буюртмачи»га товарни етказиб бериш;

- Шартноманинг шартлари «Буюртмачи» томонидан бузилганда берилган махсулотни қайтариб олиб қўйиш хукукига эга;

- Тегишли даражада сифатли махсулот юборилганлиги тўғрисида билдириш олгандан сўнг, сифатли бўлмаган мол-мулкни 3 кун ичида алмаштириб бериш ёки ушбу шартноманинг 2-бандига асосан сифатли бўлмаган мол-мулк баҳосини қайтариб бериш.

- «Бажарувчи» етказиб берган махсулотларини хисоб-варакларда тўлиқ ва аниқ номини, махсулот навини, категориясини ва бошка кўрсаткичларини кўрсатиш шарт. Шунингдек, хисоб-варакларни белгиланган тартибда ракамлаб, тўлиқ реквизитларини расмийлаштириш шарт.

6.2. «Буюртмачи»нинг мажбуриятлари:- «Буюртмачи» шартномада белгиланган талабларга риоя килган холда тўловларни амалга ошириш, товарни далолатнома тузиб ушбу шартномада ва

қонун хужжатларида белгиланган бутлаш тартибига, сонига, сифатига караб ўз вақтида махсулотни қабул килиб олиши лозим.

- Тегишли даражада сифатли бўлмаган мол-мулк келиб тушгани аниклангандан кейин, бу хакда далолатнома ёзилиб 3 кун ичидаги «Бажарувчи»ни огохлантириш.

- Тўлик расмийлаштирилмаган хамда махсулотнинг сифати, нави ва категориялари кўрсатилмаган хисоб-вараклар буйича тўлов амалга оширилмайди.

#### VII. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

7.1. Ушбу шартнома буйича мажбуриятларни ижро этмаслиги ёки тегишлича бажарилмаслиги учун томонлар Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигига шунингдек ушбу шартномада назарда тутилган тарзда жавобгардирулар.

7.2. «Бажарувчи» «Буюртмачи»нинг олдиндан маблағи бўлган холда товарни белгиланган муддатда етказиб бермаганлиги учун кечикирилган хар бир кун учун шартномада кўрсатилган сумманинг 0,5 % микдорида «Буюртмачи»га пеня тулайди, бунда пенянинг умумий микдори кечикирилган сумманинг 50 % дан ортиқ бўлмаслиги лозим.

7.3. Шартнома талабларида кўрсатилган сифатларидаги хамда бутлашдаги мол-мулк берилмаган булса, айборд тараф 20% микдорида жарима тулайди.

7.4. «Буюртмачи» олинган товар учун тўловни ўз вақтида амалга оширмаса кечикирилган хар бир кун учун кечикирилган сумманинг 0,4 % микдорида «Бажарувчи»га пеня тулайди, бунда пенянинг умумий микдори кечикирилган сумманинг 50 % дан ортиқ бўлмаслиги лозим.

7.5. Текшириш органлари томонидан етказиб берилган махсулот нархлари юқори деб топилган такдирда ўтрадаги фарқ етказиб берувчи томонидан қопланади.

#### VIII. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ

8.1. Хеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлик бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари буйича жавобгар эмас. Фавкулотда тусдаги холатларга: сув тошқини, ёнгин, ер қимирлаши ва бошқа табиий оғатлар, шунингдек харбий харакатлар, давлат органларининг актлари ёки харакатлари ва тарафлар назорат қила олмайдиган бошқа, хар кандай холатлар тегишилдир.

8.2. Тарафлар ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажармаслик сабаблари тўғрисида албатта иккинчи тарафни огохлантириши шарт.

8.3. Агар бартараф килиб бўлмайдиган куч \_1\_ ой узлуксиз давом этса, тарафлар бир-бирини ёзма равишида огохлантириб, шартноманинг ижросини бекор килиш мумкин.

#### IX. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

9.1. Ушбу шартномани бажариш, узгартириш ва уни бекор килишда пайдо буладиган низолар энг аввало тарафларнинг келишуви билан хал килинади. Ўзаро келишилмаса хўжалик суди ва Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунлар тартибда хал қилинади.

9.2. Шартнома тарафларнинг ўзаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига хамда амалдаги қонун хужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тўлаган холда муддатидан илгари бекор килиш мумкин.

9.3. Ушбу шартнома 2022 йил «31 » декабргача амалда булади. Шартнома икки томонлама имзоланиб, ғазничилик бошқармаси (бўлим)да руйхатдан ўтқазилганидан сўнг қонуний кучга киради.

Томонларнинг юридик манзили ва реквизитлари:

«Бажарувчи» ОOO “Bunyodkor Yoshlar 2020 ”	«Буюртмачи» <i>Фарғона вилояти</i> <i>Т. И. Х. Р. б.</i>
Манзил: Ферганская область г.Фергана 1 Шукрон	Манзил: <i>Фарғона ш. Жомус к-37</i>
Тел./факс	Тел./факс
X/р 20208000905293164001	ш/х * <i>100021860304017076805344002</i>
Банк номи ФАРГОНА Ш., "ASIA ALLIANCE BANK" АТБ ФАРГОНА ФИЛИАЛИ	СТИР : ОКОНХ: <i>306 418 842</i>
МФО 01173 СТИР 307789476	Тошкент шаҳар Марказий банк
ОКОНХ	Молия Вазирзода Газничилиги
Рахбар <i>(Ф.И.Ш)</i> А.Х.Юсупов (имзо)	Газнахв. 2340200500100001010 Рахбар <i>(Ф.И.Ш)</i> <i>Дониш</i> <i>(имзо)</i> <i>х. ширзаде.</i>

#### ЮРИДИК ХУЛОСА

Ушбу шартнома лойихаси Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодекси ва хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятиниг шартномавий *Хукукий* базаси тўғрисидаги қонунига мос равишида тузилган.  
Хукукшунос: *М.Мирзазов* *Л.Россолов*